



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 25 декабр, чоршанба № 203-204 (1421)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Р.О.Олимовни Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида
 Равшанбек Озодбекович Олимов Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
 Тошкент шаҳри, 2002 йил 24 декабр

Фурумсарой кўрки

Поп туманидаги «Фурумсарой» ширкат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси жорий йилда белгиланган жамоа шартномаларининг бажарилишига катта эътибор қаратди.

Натижада хўжаликда барча соҳаларда ишлаб чиқариш самардорлиги кескин ошиб, соф фойда 51 миллион сўми ташкил этди. Ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам яхшиланиб, ўртача иш ҳақи ошди. Пахтачилик ва галлачиликда оилавий пудратчилар билан тузилган шартномаларнинг тўла тўкис уудаланиши ютуқларнинг бош омили бўлди, дейиш мумкин. Жумладан, Абдурахим Фузайлов, Эргашали Содиков ва бошқа пудратчиларнинг белгиланганидан ошиқ етиштирган ҳосили ўзларига қолдирилди.

Хўжаликда инфрату-


билан тақдирланадилар. Хўжалик ҳудудидаги мавжуд 4 та умумтаълим мактаби, 3 та мактабгача тарбия муассасаси, 2 та қишлоқ врачлик пункти ҳам оталиқ ёрдамидан бебахра қолмаёттир. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур муассасаларда жорий таъмирлаш ишларига 2 миллион 143 минг сўм, ободонлаштириш ишларига 517 минг сўм сарфланди.

С.ЯРАШЕВ.

Ишли бўлишди

Жондор туман аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат бўлимига бу йил 1 минг 152 нафар киши муурожаат қилди. Бўлим, аввало, уларнинг касбкори, хоҳиш-истаклари ва лаёқатини атрофлича ўрганиб чиқди. Навбати билан туман хўжаликларидида меҳнат ярмаркаси уюштирилди. Натижада 632 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. 189 киши кўшимча касбхунар ўрганишга жалб қилинди. 331 нафар фуқарога меҳнат бўлими томонидан фойдали маслаҳатлар берилди.

23 декабр куни туманда навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада иштирок этган 106 нафар талабгор шу жойнинг ўзидида туман марказий касалхонаси, йўл курилиш бўлими ва курилиш ташкилотларига ишга жойлаштирилди.



Кўшкўпир туманидаги «Сардор» шўба корхонасида бир кунда икки тонна сут қайта ишланиб, тайёр маҳсулотлар тумандаги мактаб, болалар боғчалари ва аҳолига етказиб берилмоқда. Корхона Италия технологияси билан тўлиқ таъминланганлиги сифатли ва тотли маҳсулотлар тайёрлашда муҳим рол ўйнапти.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Шу азиз Ватан барчамизники!

ҚАДРДОНЛАР

Чўл бағридаги мўъжаз бу шарҳада ҳаёт қайнайд. Кимдир ишга, кимдир ўқишга, кимдир спорт мусобақаларига шошади. Газли аҳолиси турли миллат вакиллари билан таркиб тоғгани учун мавжуд 4 мактабнинг учтасида машғулотлар қозоқ тилида, бир мактабда эса ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. 6 та мактабгача тарбия муассасасида 420 нафардан ошиқ болалар тарбияланмоқда. Шаҳарчада кутубхона, шифохона, поликлиника, маданият уйи, спорт ва мусика мактаби ҳамда «Газлитрансгазказибчиқариш» бoшқармаси касаба уюшма кўмитасига қарашли «Газчилар» клуби мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда жорий йилнинг ўн бир ойида 697 миллион метр куб газ ишлаб чиқарилиб, республикамиз ва хориждаги истеъмолчиларга етказиб берилди. Бошқармада бугунги кунда 1500 нафар киши меҳнат қилаёттир. Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси уларни ҳар томонлама иқтисодий-ижтимоий

ҳимоялашга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, йил бошидан бери ишловчиларга 12 миллион сўмлик махсус кийимбош олиб берилди. Зарарли ишда ишловчи 823 нафар киши шартномада белгиланган имтиёзлардан тўла-тўкис фойдаланмоқда.

Уларнинг маошидан олинандиган даромад солиғи 25 фоиз қилиб белгиланган, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил ҳамда нафақага чиқишда алоҳида имтиёз берилган. Бугунги кунда ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 78 минг сўмга етди. Бундан ташқари, ишловчиларга ҳар куни иссиқ овқат учун ҳақ тўланмоқда.

Ишчилар соғлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам корхонада муҳим қадамлар қўйилди. Ишловчиларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг ўзига 1 миллион 800 минг сўм маблағ сарфланди, соғлиқни сақлаш муассасаларига 2 миллион 200 минг сўмлик дори-дармон олиб берилди. Ишчи-хизматчиларни ҳамда кам таъминлан-

ган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга 14 миллион сўмга яқин, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 700 минг сўм маблағ сарфланди. Бошқарма касаба уюшма кўмитаси шаҳарчада спортни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Шу боисдан кончилар ўртасида спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бошқарма спорт мажмуи етарли даражада спорт жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда футбол, волейбол, шoҳмот, шашка, стол тенниси, ўзбек кураши, таэквондо секциялари ишлаб турибди. Мусобақа голиблари рағбатлантирилиб борилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида тармоқ ходимлари ўртасида ўтказилган республика биринчилигида бошқарма жамоалари барча турлар бўйича голиб деб топилганининг ўзидеҳ бу ерда спортга бўлган эътиборни кўрсатиб турибди.

Ялғoш САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Юртимиз - қадимий обидалар, ноёб меъморий ёдгорликларга бой. Бу кўхна иншоотларни қайта тиклаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ижод» хусусий фирмаси ана шундай иншоотларни қайта таъмирлаш, замонавий биноларни безаш борасидаги хайрли ишларда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Фирма маҳсулотлари қулай ва арзон, энг муҳими, пухта ҳамда сифатлидир.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Бундан олти йил муқаддам фирма бош директори Алишер Раҳмонов пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги ташландиқ ерни сотиб олиб, иккита цех барпо этган ва бу ерда даставвал сопол плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Шу йили маҳсулотлар сифати Тошкент Архитектура ва қурилиш институти лабораториясида текшириб кўрилиб, мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Бу эса фирманинг тез орада оёққа туриб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб олишига туртки бўлди. Буюртмачилар сони ҳам кўпайди. Хусусан, фирма мутахассислари савий-ҳаракати билан Маданият ишлари вазирлиги буюртмаси асосида «Кўкалдош» мадрасаси қайта таъмирланди. Шунингдек, пойтахтимиздаги «Бешёғоч» бозори, «Юсуфхон» мадрасаси ҳам таъмирдан чиқарилди.

Бeҳбуд БОТИРОВ, ЎЗА мухбири.

Хабарлар оқимидан ЭНГ ТОТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Кува қандолат ишлаб чиқариш комбинати янги йил дастурхони учун ўзига хос маҳсулотлар чиқара бошлади. Айни кунда бос ерда ерэнгоқ, кунжут, ёнгоқ, майиз, куруқ мевалар аралаштирилган ўн турдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Экологик тоза, мазали ва тўйимли, нархи арзон, бежирим қадоқланган қандолатлар харидорларга манзур бўлаёттир.

Буюртма асосида маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган цехда иш, айниқса қизгин. Бу ерда етти хил печенье, ўндан ортиқ турдаги қандолат маҳсулоти, 20 минг дона Янги йил совғаси, тўрт тонна байрам торти тайёрланмоқда.

Жорий йилда истеъмолчилар дастурхонига 25 турда икки минг тоннадан зиёда қандолат маҳсулотлари етказиб берамиз,- дейди комбинат бош муҳандиси Муроджон Раҳмонов. - Маҳсулотларимизнинг 40 фоизини экспорт қилиш мақсадида Қирғизистоннинг Уш шаҳрида «Хумо» савдо уйини очдик. Тошкентда ўтказилган Республика озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркасида истеъмолчиларга 2003 йилда 3 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоладик.

СЕУЛ-БУХОРО: ҲАМКОРЛАР

Жанубий Корея пойтахтидаги 128 минг нафар талаба таълим олаётган Кон Кук университети жаҳоннинг энг йирик олий ўқув юртиларидан саналади. Мазкур билим даргоҳи ва Бухоро Давлат университети ўзаро ҳамкорлик битимини имзолади.

Уч икки университет ректорлари имзолаган ушбу ҳужжатга асосан ўқув юртиларининг профессор-ўқитувчилари ўзаро таъбирга алмашади, бир-бирларига зарур бўлган илмий-педагогик ахборотлар, адабиёт ва дарсликлар етказиб беради.

Бу ҳамкорлик бир ярим йил муқаддам Бухоро Давлат университети қошида ташкил этилган корейс тили ҳудудий маркази фаолиятини янада яхшилаш, уни дарслик ва услубий қўлланмалар билан таъминлашга ҳам хизмат қилади. Ҳозир ушбу марказда 200 га яқин йигит-қиз корейс тилини ўрганмоқда. Эндиликда марказ Кон Кук университети профессор-ўқитувчилари ёрдамида таълим мазмундорлигини янада ошириш чоратadbirlарини кўради, ўқувчиларга тегишли сертификатлар беради.

«COSCOM» СОВҒАСИ

Янги йил байрами арафасида «COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Навоий вилоят бўлими Хатирчи тумани маркази - Янгирабод шаҳрида уяли телефон алоқа хизматини йўлга қўйди. Эндиликда шаҳар аҳолиси дунёнинг исталган бурчаги билан боғлана олади. Ҳозирнинг ўзидеҳ мижозлар сони 100 нафарга етди.

Алоқачилар 2002 йилда дастлаб Навоий шаҳри санoатчиларига хизмат кўрсатишни бошлаган бўлса, кейинчалик Зарафшон, Учкудуқ, Зафаробод шаҳарлари ва Қарағата кўргони аҳолиси ҳам бундай имкониятдан фойдалана бошлади.

«COSCOM»чилар бир йил ичида вилоятнинг аҳоли зич жойлашган барча шаҳар ва туманларини уяли алоқа хизмати билан таъминлади.

(ЎЗА).

Қашқадарё вилоятининг инвестиция компанияларида фонд бозори инфратузилмасини шакллантиришда ибратли ишлар амалга ошириляпти. Хусусий мулк эгалари, мулкдорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш самарадорлиги ошиб бормоқда.

Хусусан, Қарши шаҳрида жойлашган давлат инвестиция фирмаси воҳадаги хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини жойлаштиришда фаолият кўрсатиб, инвесторларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши натижасида пулнинг айланиши тезлашиб, кадрсиэла-ниши секинлашади, дейди «Давинком» давлат инвестиция фирмаси вилоят филиали директори Жомарод Кўчаров. - Фонд бозорига қимматли қоғозлар эгаларини даромадли қилиш ва уларнинг мулкдорларга айланишига заминяратилди.

Қашқадарё иқтисоди

Қимматли қоғозлар бозори

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги қарорига асосан вилоятдаги 37 та акциядорлик жамияти хусусийлаштирилган корхонанинг 451 минг 397 дона акциясини 585,4 миллион сўмга сотишга эришилди.

Утган йилнинг шу даврига нисбатан акциялар сотиш ҳажми юз фоизга ошди.

Фонд биржаси қимматли қоғозлар бир маромада муомалада бўлишини таъминлаш билан бирга бозор қатнашчиларининг касб маҳоратини оширади, уларни нарх-навоининг ўзгартириши, маблағлар индексацияси, савдо-сотик вақти, қимматли қоғозлар, битимлар ҳажми, контрактлар миқдори ҳақида ахборотлар билан таништириб бора-

АКЦИЈА даромад манбаи

нинг давлат улуши бўлган акция пакетлари биржадан ташқари савдоларда сотилиши мўлжалланган эди. Ҳозирги кунгача «Сўғдиёна», «Отчопар», «Шайх-Али», «Момик», «Қарши озиқ-овқат», «Темир йўл савдо», «Моддий техника таъминоти», «Пойабзал», «Қарши қурилиш савдо», «Гузор таъминотчи», «Темир йўл фуқаролар иншоотларини таъмирлаш», «Тонг», «МПКМ-11» сингари хиссадорлик жамиятларининг акциялари тўлиқ

Касаба уюшмалари бозор шароитида

МИЛЛИОНЕР ПУДРАТЧИЛАР

Андижон вилоятида оилавий пудратдан самарали фойдаланаётган жамоалар кўп. Уларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ижарачиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган.

Бу воқеа ҳосилга ҳосил қўшилаётган кезларда бўлиб ўтган. Хўжабод туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг раиси билан касабақўм раиси далада рўбарў келдилар. Рисолатхон Хонкелдиева дала шийонларини айланиб, ширкат аъзоларининг меҳнат ва маиший шароити, иссиқ овқати, дам олиши, ойлик маошининг тўланишига кўзқулоқ бўлиб юрди.

Абдуманнон Раҳимов касабақўмга маслаҳат солгандек деди: - Тамарахоннинг бригадасидан келишим. Ҳўзаларни бегона ўт кўрпадек босиб ётибди. Кемага тушганнинг жони бир, дейдилар. Ёрдам қўлини чўзмасак бўлмайди.

Рисолатхон аҳволни ўнглаш учун техника парки, болалар боғчаси ва бошқа ташкилотларда ишлаётган фаррош, қоровуллардан иборат мадад бригадаси тузиш фикрини ўртага ташлади. Таклиф раисга маъқул тушди. Кўшимча меҳнатга жалб қилинганларни тақдирлаш, меҳнат тавтилга чиқаётганда бошқа имтиёзлар билан рағбатлантириш каби жамоа шартномасида беги-ланган тадбирларни

қўллаш чоралари ҳам эътибордан четда қолмади.

Тамарахоннинг жонбозлигини айтмайсизми. Мулкдорликни унда ўргансалар арзийди. Ерим деб, мулким деб, қуш тинадики, опа ором билмайди.

Саратоннинг оташларида ёниб, гоҳ обу ҳаёт тараётган сувчилар билан эгитлар санар, гоҳ қатор ораларига ишлов бераётган трактор орқасидан эргашар, гоҳ ҳашарчилар билан ер тирнаб, ниҳолларни бегона ўтдан тозалашарди.

Жамоада ишчиларнинг иссиқ-совуғи бинийдек ташкил этилди. Дала шийонларида қозон қайнаб турди, маош ҳисобидан ёғ, макарон, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари даланинг ўзидан тарқатилди, дам олиш хоналари, кўчма ясилар болали оналарга беминнат хизмат қилди.

Меҳнатга рағбат бор жойда ютуқлар жамоага доим йўлдош. Ижарачи Тамарахон Мухторова 13 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 48,7 центнердан хирмон яратиш, шартнома мажбуриятини 155 фоизга дўндирди. Кўшимча 9,5 миллион сўм даромад қўлга кирди.

32 нафар пудратчиларнинг ҳеч бири Тамара-

хондан қолишмайди. Уларга 405 гектар ер хатлаб берилган. Соҳрон Усмонова, Маннобжон Саматов каби ижарачилар 40-45 центнердан хирмон кўтариб, ҳақиқий мулкдор эканликларини исботладилар.

Оилавий пудрат усули галлачиликда ҳам ўзини тўла-тўқис оқламади. Битим ва шартномаларнинг ижроси касабақўм ҳамда ширкат бошқарувининг қўшма йиғилишларида мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда.

Айни кунларда галлачиликда 63 нафар пудратчи фаолият кўрсатмоқда. Қахрамонжон Матмусаев, Маннобжон Алонов каби пудратчиларнинг довуғи нафақат Хўжабод тумани, балки бутун вилоятга тарқалган.

Қахрамонжон тасарруфидоғи 4 гектар ердан мўлжалдаги 35,4 тонна сара дон тайёрлаганидан огоҳ бўлганлар, «қандини урсин!» деб дуо қилишди. Негаки, ҳосилдорликни 88,6 центнерга етказди.

Шартномадан ортиқчаси ижарачиларнинг ўзига қолди. Биргина Қ.Матмусаев бошлик пудратчилар оиласи юқори ҳосил эвазига қарийб 3 миллион сўмлик даромад қилди. Маннобжон ҳам кам бўлмади. Салкам 90 центнерлик марранга эгаллаб, 44,2 тонналик хирмон уйди. 3 миллион 712 минг сўмлик даромад эга-

си бўлди.

Ширкатда шартномадан ортиқча етиштирилган жами 135 тонна бугдой пудратчиларга тақсимлаб берилди. Касабақўм билан маъмуриятнинг самарали ҳамкорлиги туфайли ширкатда ана шундай муваффақиятларга эришилди. Натижада галлачиликнинг ўзидан 43 миллион сўмдан зиёд соф даромад олинди. 6 миллион 150 минг сўмлик дивидент пайчиларга тарқатилиши кутилмоқда.

Ишлаб топилган пул аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига сарфланмоқда. Дала юмушларида ўртак кўрсатган ишчиларга муқофот тариқасида 147 тонна бугдой берилди. Боқувчисини йўқотган, кам харж оилалардан 200 тасига бепул бугдой тарқатилди. Етим-есирларга 220 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, ишчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Вилоятдаги «Пахтаой», «Кўшча» оромгоҳларида ширкат аъзоларининг ўғил-қизлари дам олиб қайтилар. Бобур номли сихатгоҳда эса ота-оналар, қариялар хўжалик ҳисобидан соғлиқларини мустаҳкамладилар.

Собиржон РЎЗМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Андижон вилояти деҳқонлари яқунланаётган йилда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Айни кунларда улар келгуси йилда баракали ҳосил олиш ниятида баҳорги экиш мавсумига катта таратқил қўймоқдалар.

Вилоятнинг барча туманлари, айниқса, чўл зонасида жойлашган Улуғнор ва Бўз туманларида экин майдонларини шудгорлаш, шўрни ювиш, яқоб бериш ва арик-зовурларни тозалаш ишлари сифатли амалга оширилмоқда.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Бўш вақт — хуш вақт

«ШИЖОАТ» КЛУБИ

Аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида Андижондаги «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси хотин-қизлар кўмитаси хузурида «Шижоат» клуби ташкил этилди. Айни чоғда жамоада суҳбат ва мунозаралар, кўрик ва синовлар, мусикали концертлар, бадий кечалар, юртимизнинг таниқли кишилари билан учрашувлар уюштирилмоқда. Эллиқдан ортиқ аъзони бирлаштирган, ташкилотчи ва ташаббускор аёл Наталья Латипова раҳбарлик қилаётган клуб ишида ўндан ортиқ миллат ва элларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

Ҳозир кизиқарли ва мароқли ўтган «Аёл билан мунаввар олам», «Оналар соғлиги» юрт бойлиги», «Ўзгиргични англагил аёл», «Баркамол авлод тарбияси», «Хотин-қизларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳақ-хуқуқлари» каби машғулотларни

ташқиллаштиришда Сурайёхон Шарофиддинова, Маргарита Цой, Ҳафизахон Исомиддинова, Любов Сим, Румия Бойгулова сингари ишчи-хизматчилар фаоллик кўрсатишди.

Клуб қошидаги «Баэм» вокал-чолғу дастасининг концертлари томошабинларга манзур бўляпти.

Яқинда Фарғона вилоят хотин-қизлар кўмитасининг «Аёллар ижтимоий бўлими» мақсадида аъзолари билан учрашуви ўтказилиб, вилоятларда амалга оширилаётган ишлар умумлаштирилди. Фарғоналиклар мамлакатимиз автомобил-созлигининг қалдирғочи «ЎзДЭУавто» ҳаёти билан танишдилар. Хуллас, бошқарув кенгаши ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан ташкил этилган «Шижоат» клуби ҳуқуқий тарбия ва маданий дам олиш марказига айланган.

АҚШ ҲУҚУҚШУНОСЛАРИ КЎМАГИДА

Наманган вилояти хўжалик суди хузурида ўқув маркази ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, бу ерда ҳозирдаёқ суд-ҳуқуқ ишохотини амалга ошириш, суд органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича кенг қўламли фаолият олиб борилмоқда. Эътиборли томони шундаки, ўқув маркази фаолиятига ҳуқуқ ва суд иши соҳасидаги хориқлик мутахассислар ҳам жалб этилмоқда.

Вилоят жинорий, фуқаролик ва хўжалик судлари ходимлари иштирокидаги навбатдаги илмий-амалий семинар Америка юристлар ассоциацияси кўмагида ўтказилди. Бу ташкилот МДХ мамлакатларида Шарқий Европа ва Евросиё ҳуқуқий ташаббуслари дастури асосида фаолият кўрсатмоқда.

Семинар қатнашчилари АҚШ юристлар ассоциациясининг Ўзбекистондаги вакили жаноб Керин Кендриннинг маърузасини қизиқиб билан тингладилар. Ташкилотнинг суд органларининг мустақиллиги мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг қафолатларидан биридир.

Ташкилотчиларнинг фикрича, ўқув маркази келгусида суд-ҳуқуқ ишохотини чуқурлаштириш ва мамлакатимизда мустақил суд ҳокимиятини яратишга хизмат қиладиган бундай семинарларни мунтазам ўтказиб туради.

(ЎЗА)

Тадбиркорлик — давр талаби

ҲАР ХОНАДОНДА ЧОРВА БЎЛСИН

Зарафшон дарёсининг шундоқ соҳилидан жой олган, фарб ва шимолий томондан Руқобод ариғи ўраб турган бу қадимий қишлоқ аҳли азалдан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Улар ўзларининг меҳнатсеварлиги ва омиқорлиги билан машҳур бўлишган. Айниқса, бу ерда тайёрланган қатиқ ўзининг сифати ва мазаси билан ажралиб турган. Ҳарчанд тўнкарманг қосадан тўкилмайдиган серқаймоқ қатиқ тайёрлаш усули асрлар давомида қатиқ сир сақланган. Митаниклар олд «зар» қўшимчасини тариқат илмининг доноси Баҳовуддин Нақшбандия дуосидан сўнг олишган экан.

Шу боисдан Зармитанга келган меҳмонга дастлаб бир коса қатиқ тугиладилар. Бу йўлингиз ҳам, дилингиз ҳам оқ бўлсин, дегани.

Мустақиллик йилларида Зармитан қишлоғи қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Қишлоқ марказида бири-биридан шинам ва бежирим маданий-маиший бинолар, савдо расталари қад ростладилар. Жумладан, мустақиллик байрами арафасида бу ерда 38-мактаб тубдан замонавий асосда қайта ташкилланди. Улуғбек номли мактабда қўшимча синф хоналари билан бир қаторда спорт-соғломлаштириш мажмуи ишга туширилиши болалар қувончига қувонч қўшди. Икки километр масофага газ қувурлари тортирилиб, янгидан қурилган уйларда «зангори олов» ёниди. Беш километр қишлоқ йўллари асфальтлан-тирилиб, йўл четларига дарахт ниҳоллари ўтказилди, гулзор барпо қилинди.

Азизобод қишлоғи қиёфаси тамомила бўлакча жозоба ва ғўзаллик касб этди. Қишлоқда яқиндагина очилиш маросими ўтказилган мустақиллик хиёбони, шахидларнинг хотирасига ўрнатилган мўъжаз ёдгорлик лавҳаси саҳни одамлар энг гавжум қадамжолардан бирига айланди. Янги қишлоқ врачлик амбулаторияси, 15 ўринли туғруқхона биносининг ишга туширилиши ҳам Зармитанликлар мустақиллик берган иноятлар сирасига киритишди.

Қишлоқда аҳолини ижтимоий, фойдала меҳнатга кўпроқ жалб этиш мақсадида кейинги уч йил ичида бир миллион шартли банка маҳсулот

тайёрлаш қувватига эга бўлган консерва цехи, бир суткада 15 тонна сутни қайта ишлаш, чет эл ускуналари билан жиҳозланган корхона, қурилиш материаллари тайёрловчи икки цех, 50 нафар йигит-қиз ишлайдиган бичиш-тиқиш цехи, «Зармитан-Бартокс» корхонаси фойдаланишга топширилди. Зармитанликлар азал-азалдан хунарманд ва тадбиркор бўлгани учун бу ерда қад ростлаган ёпиқ бозору шинам ва кўркам савдо расталарида сотилаётган, хонадонларда тайёрланаётган хилма-хил маҳсулотлардан улкан яратувчилик нафасини сезиш қийин эмас.

Зармитанликлар қишлоқда бўлаётган катта ўзгаришларни, аввало, мустақиллик шарофати, деб билсалар, қолаверса тиниб-тинчимас раҳбар, «Зармитан» ширкат хўжалиги раиси Дилмурод Эргашев номи билан боғлашади. У одамларнинг ерга меҳрини, меҳнати самарасини ошончини манфаатдорлик ҳосил қилишдан бошлади. Дастлабки йилда дончиликда 70 центнерлик марра эгалланиб, ишловчиларга 400 тонна галла берилди. Пахтачиликда ҳам ижарачилар билан тузилган шартномаларнинг тўла-тўқис бажарилишига эришилди.

Хўжалик жорий йилда биргина пахтачиликнинг ўзидан 600 миллион сўм даромад қилди. Шундан соф фойда 100 миллион сўмни ташкил қилади. Табиийки, олинган даромаднинг каттагина қисми ширкат аъзоларига дивидент сифатида берилади. Бундан ташқари пахта терими пайтида ҳам ишловчилар қўли пул кўрди. Теримчиларга 80 миллион сўм пахта пули тарқатилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга мўътож оилалар, уларнинг фарзандлари, қарияларга ҳар томонлама меҳрибонлик кўрсатилди.

Раис ҳар бир хонадонда қорамол, қўй, парранда бўлишини, деҳқончиликни ривожлантиришни аҳолини тўқ ва бой қилишининг муҳим манбаи, деб билади. Шу боисдан ҳам хонадонлар билан шартнома тузилаётганда уларга ем, маъданли ўғитлар ажратилиш, ноҳор хонадонларга қорамол олишга ёрдамлашиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилмоқда.

С.ЯРАШЕВ.

МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИ БОЙИМОҚДА

Олмалик шаҳридаги барча мактабларнинг кутубхона фонди янги асарлар билан бойитилди.

Олмалик кон-металлургия компанияси шаҳар халқ таълими бўлими дарслик ва ўқув қўлланмалар учун бир миллион 145 минг сўм маблағ ажратди. Ушбу маблағ ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар ва ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланмалар сотиб олинди. Бир қатор мактаб ва лицейлар кутубхоналари қўллаб-янги бадий асарлар билан бойиди.

Тақдир табассуми

СУЛОЛА

Яқинда Ўзбекистон агросаноат ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси ва «Ёғмоётама-кисаноат» уюшмаси ҳамкорлигида корхона ва ташкилотлар ўртасида ўтказилган «Мустақиллик, экология ва саломатлик» кўрик-танловига Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги Ёғгар очик турдаги ҳиссадорлик жамияти фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, пул муқофоти билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда корхонада 250 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Шу йилнинг июл ойидаёқ барча ишчилар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Тумандаги «Саломатлик маркази» тиббиёт ходимлари эса турли касалликларни олдини олиш бўйича ўқув-семинар машғулотлари олиб бормоқда. Капитал таъмирлашга ўрнатилиб, 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳар бир бўлим ва цехларда меҳнат муҳофазаси, ёнган хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Чангли ишларни бажарувчи ишчиларга ўз вақтида бепул сут-қатиқ ва махсус кийимлар берилмоқда. Ҳозирда ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари 35 минг сўмни ташкил этапти.

Корхонада узоқ йиллар ишлаб келган нафақадаги фахрийлар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Улар байрам ва тадбирларда бир пиёла чойга таклиф этилиб, совға-саломлар билан тақдирланишади. Шунингдек, яқна-ёлғиз кам даромадли оилалардан бир нечтасини корхона ўз ҳомийлигига олган.

Дўшон ота Эшчанов ҳозир 85 ёшда. Ҳозир корхонада меҳнат фаолиятини давом эттиряпти. Бу инсон билан суҳбатлашсангиз, жамоа ҳақида қалбини фахр туйғуси чўлғганини ҳис қиласиз. Ўз ишининг устаси, тоқар Василий Шуркин эса бир гуруҳ ёшларга мураббийлик қилмоқда. Бош электорик Сотимбой Омонбоевнинг икки нафар фарзанди ҳам ўзи билан ёнма-ён меҳнат қилишади. Яқинда Алихон исми невараси ҳам ишчилар сулоласи сафига қўшилди. «Шуҳрат» ордени нишондоғи Шомурод Аширов, Марямжон Матсафаева, Владимир Болиев, Давлатназир Халимбетов сингарилар жамоанинг фахри саналишади.

Болабаёй ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» муҳбири.

ОМБОР УЧУН ИШЛАЁТГАН КОРХОНА

Вилоятда кўрпа-ёстиқ, уст қопламалар етказиб берадиган ягона жамоа —

виллоят кўзи охишлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида. 70 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган мазкур корхона ишчиларининг 56 нафарини кўзи охиш бўйича но-гиронлар ташкил этади. У тўла хўжалик ҳисобида фаолият юритади. Шундай бўлса, ишлаб чиқариш суръати нечоғлик юқори бўлса, ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ўсиши тайин. Лекин жамоада бундай бўлмаётти. Сабаби-ишлаб чиқаришда узилишлар рўй бермоқда. Устига-устак оморларда тайёр маҳсулотлар туриб қолмоқда. Ҳозиргача 3 миллион 800 минг сўмлик тайёр маҳсулот «сандик-зада» бўлиб ётибди. Оқибатда ходимларга иш ҳақи бериш кечикмоқда, уларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам яхшимас.

Хусусан, август ойидан бунён иш ҳақидан 600 минг сўмлик, электр энергиясидан 300 минг

сўмлик қарздорлик юзага келган.

— Ўтган тўққиз ойда 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди корхона раҳбари Исмаил Ҳоппоров, — 200 комплекти маҳсулотимизни вилоятдаги янги қурилаётган қол-леж ва лицейларга жўнатдик. Ойга корхонамизда 10-15 кун иш бўлади, холос. Агар тўла қувват билан ишлаганимизда маҳсулот ишлаб чиқариш икки ҳисса ошган бўларди. Ҳозиргача асосий буюртма вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси томонидан олинмапти, холос.

Биз корхонада бўлганимизда ҳам буюртма йўқлиги туфайли ишчи-хизматчиларни ўчратма олмадик. Уч қаватли бино таъмир-талаб бўлиб қолгани шундоқгина кўзга ташланади. — Бино 1987 йилдан бунён таъмирланмаган, — дея сўз бати давом эттирди раҳбар. — Томлардан тинимсиз чакка ўтиши оқибатда ола-чалпоқ бўлиб деворлар кўчиб бормоқда. Иситиш тармоқлари ўн йилдирки, умуман ишла-

майди. Айтишларича, 1994 йилгача мазкур корхона Жиззах устки трикотаж фабрикасига қоробча етказиб берган. Шунингдек, поёндоз цехи мунтазам ишлаб турган. Кей-

инчалик трикотаж фабрикаси фаолияти тўхтаб қолди, поёндозга эса талабдорлар қамалиб кетди. Шундан сўнг мазкур корхонанинг икки қаватли ҳайҳотдек биноси хувилаб қолди.

Зомин, Зарбдор туманлари марказий шифохоналари юмшоқ жиҳоз ва кўрпа-ёстиқларга катта зарурат сезиб, шу йилнинг апрелида 2 миллион 445 минг сўмлик шартномани тузди. Лекин маблағ йўқлиги туфайли у ҳамон ижросиз қоляпти. Ҳудди шу каби Зомин сил касалликлари шифохонаси билан тузилган 1 миллион 304 минг сўмлик шартнома ҳам «осилиб» қолди...

Корхона раҳбари, 1-гуруҳ ноғирони Исмаил Ҳоппоров муаммолар ҳақида гапирар экан, аввало вилоятдаги ноғиронларни етарли иш билан таъминлай олмаётганидан юраги ачишаётгани шундоқ сезилиб турарди.


Абдуманнон АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ

КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚҰМИТАСИ

Фидокор халқимизни, тармоқ
 ходимларини яқинлашиб келаётган
 Янги 2003 йил билан самимий
 муборакбод этади.

Юртимизда тинчлик-
 хотиржамлик барқарор бўлсин,
 ҳар бир оиладан
 қут-барака аримасин!



БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАРИНГИЗДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ

**Барча ҳамкасбларни Янги
2003 йил – «Обод маҳалла
йили» билан самимий
табриклайди.**

**Шу табаррук заминда
яшаётган, ўзининг фидойи
меҳнати билан жондан
азиз Ватанимизни
улуғлаётган инсонлар
асло кам бўлмасин!**

ХУР ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН!



Тарихингдир минг асрлар ичра пинхон, ўзбегим!

ШАРҚ ЛЕРМОНТОВИ

Наманган вилоятининг маданий-маърифий ва ўқув муассасаларида ўтган асрнинг машҳур шоири Усмон Носир таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар бошланди.

Унинг шеърятини адабий танқид томонидан юқори баҳоланган. Усмон Носирни жаҳон адабиётининг энг таникли вакиллари қиёслаб, «Шарқ Лермонтови» деб аташган. У авлодларга ўзбек адабиётининг хазинасини муносиб равишда бойитган бой ижодий меросини қолдирди.

Нодира номидаги вилоят кутубхонасида шоир ҳаёти ва ижоди бағишланган адабий кеча ўтказилди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ташкил этди. Шоирлар, ёзувчилар ва адабиётшунослар Усмон Носирнинг ижодий йўли ҳақида сўз юритдилар, ўқувчилар унинг шеърларидан намуналар ўқиб берди.

(ЎЗА).

Шароф Рашидов туманидаги Х.Олимжон номи 12-ўрта мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда турли мавзуларда тадбирлар ўтказиш яхши аъёнага айланган.

«ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!»

Яқинда мактабда ана шундай тадбирлардан бири – «Ўз уйингни ўзинг асра!» мавзусидаги «Билим-ринг» мусобақаси ўтказилди. Унда юқори синф ўқувчилари бешта шарт бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Табрик, тест асосидаги савол-жавоб, клип, сахна ва эркин мавзудаги чиқишларда «Бобур», «Ойбек», «Келажак ниҳоллари», «Келажак ёшлари» жамоаларининг қўли баланд келди.

Тадбир иштирокчилари ва томошабинлар долзарб мавзу моҳиятини янада чуқурроқ англаб етдилар, бу борада ўқувчи-ёшларнинг билимдон ва зукколигига

Огоҳликка даъват

яна бир бора иқрор бўлдилар. Бундай тадбирлар келгусида тез-тез ўтказиб турилиши режалаштириб олинди.

Ғолибларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамда мактаб маъмуриятининг қимматбахо эсдалик совғалари топширилди.

– Яқинда мактабимизда вилоят миқёсидаги кўргазмали семинар ўтказилди, – дейди мактаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Дилором Тожиева. – Унда ишни янада жонлантириш соҳасида долзарб чиқишлар қилиниши кўзда тутилган. Шубҳасиз, бундай тадбирлар ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

А.АЗИМОВ.

Ҳаваскор ён дафтарида

ҚҲЙ, «ЎША»НИ ЭНДИ ЎЙЛАМА

Қўлларимда рўмолинг қолди,
Ниғоҳимда жамолинг қолди,
Кўксимда бир заволинг қолди:
Қўй, «Ўшани энди ўйлама.

Дейдики жон: қийналдим ортиқ,
Унта бўлсам, сенгадир тортиқ,
Қалбим бўлди ҳаммиша очик,
Қўй, «Ўшани энди ўйлама.

Юрагиндан ўчиргин уни,
Кимлар бўлмас, жоним, мафтунинг,
Садақ бўлай ўзим ҳар кунини,
Қўй, «Ўшани энди ўйлама.

Севги шундай, доғлайди ёмон,
Дилни дилга боғлайди ҳамон,
Балолардан сақлайди омон,
Қўй, «Ўшани энди ўйлама.

Қўлларимда рўмолинг қолди...

Аҳроржон БАЙЗАЕВ,
шифокор.

Бор бўл, оқибат!

САХОВАТ ПЕШАЛАР
ёрдамида янги мактаб қурилди

Маландиён қишлоғи Узун туманидаги Ж.Пирназаров номи ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Қишлоқ ўғил-қизлари туман халқ таълими бўлимига қарашли 6-ўрта мактабда таълим олишади. Гапнинг очиги, бундан икки йил олдин бўлиб ўтган ер силкинишидан мактаб ўқув биносининг асосий қисми жиддий зарар кўрди. Натижада туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими мутасаддилари ўқувчиларга дарс ўтиш учун мактаб яқинидаги 6-болалар боғчасининг биринчи қаватидан вақтинчалик фойдаланиб туришга қарор қилишди. Бу орада таълим фидойилари турли мутасадди идоралардан ёрдам сўрай-сўрай чарчабди. Чунки ваъдалар бор-у, амалий ишдан дарак йўқ эди.

Ана шунда туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси ташаббус билан чиқди: навбатдаги кенгашга халқ таълими вакиллари ва Маландиён қишлоғининг фаоллари таклиф этилди. Халқ таълими бўлими мудири Ҳикматулла Шоймардонов йигин қатнашчилари эътиборига 6-умумтаълим мактаби ўқув биносини қайта қуриш юзасидан ташаббус бергач, бу ишни ҳашар йўли билан амалга ошириш масаласини кўйди. Шунингдек, бунда халқ таълими бўлими ҳисобидан муайян миқдорда маблағ ажратилиши маълум қилинди. Ташаббус қўллаб-қувватланди. Хусусан, мактаб дирек-

торлари ушбу хайрли ишга ўз ҳисобларидан 10-30 минг сўмдан улуш қўшажақларини билдиришди. Ж.Пирназаров номи ширкат хўжалиги раиси Шокиржон Раҳимов қурилиш ишларини жонлантириш учун 15 минг донна гишт, 3 тонна буғдой ажратиб беришни ваъда қилди. Неъмат Сангинов, Абдулла Тошмирзаев, Ёраҳмад Азимов, Олим Абдулқоёв, Эргаш Жабборов каби ўнлаб қишлоқ фаоллари ҳам ҳашардан четда қолишмади.

Хуллас, ўша кунни касабакўм раиси бошчилигида комиссия тузилиб, ишга киришилди. Қисқа фурсат ичида мактабнинг 53 нафар ўқитувчиси саховатли маландиёнликлар билан бирга қурилишни бошлаб юборишди. Халқимизнинг хайрли удумларидан бири – ҳашар ёрдамида қарийб 100 миллион сўмлик ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 8 та синф хонали янги мактаб биноси қуриб битказилди.

– Қувонарлиси, бу савобли тадбирдан ҳеч ким четда қолмади, – дейди туман таълим ва фан ходимлари касаба кўмитаси раиси Абдумурод Тоиров. – Мактаб биноси қурилишига ҳамма ўз ҳиссасини қўшди. Бир сўз билан айтганда, халқимиз саховати, меҳр-оқибати, қолаверса, келажак учун қайғуриши ўзининг ажойиб ифодасини топди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

АКА-УКАЛАР УЛУШИ

Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуида таэквондо бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. «Гиёҳ-вандликка йўл йўқ» шиори остида ўтган ушбу беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятидан ташқари барча вилоятларнинг вакиллари иштирок этишди.

Учрашувлар гоёт қизғин ва муросасиз руҳда ўтди. Уйин якунида Наманган вилояти таэквондочилари пешқадам эканликларини намойиш этиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент ва Бухоро вилоятлари вакиллари эгаллашди. Наманганликлар эришган ютуққа, айниқса, ака-ука мураббийлар Сарвар ва Санжар Набиевлар катта ҳисса қўшдилар.

СПОРТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Вилоятда спортнинг кенг оммалашиб бораётганлиги кексаларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Улар спортнинг ўз ёшларига мос турлари бил-

Жиззах вилоят ўлкашунослик музейида «XXI асрда Ўзбекистон музейлари» мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекмузей» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги комиссияси, Давлат телерадиокомпанияси ва вилоят ўлкашунослик музейи ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда музейшунос ва тарихчи олимлар, барча вилоятлар музейларининг раҳбарлари, илмий ходимлар қатнашдилар.

МУЗЕЙЛАР – ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Жиззах тарихини ўзида мужассамлаштирган вилоят ўлкашунослик музейи республикамиздаги йирик музейлардан бири ҳисобланади. Мазкур маданият муассасаси таркибига Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон, Ҳамроқул Носиров, Ҳайдарбек Абдуҷаббаров ва Зулфия номидаги Ёдгорлик музейлари, археология бўлими ҳамда Зомин тарихий музейи қиради. 1986 йилда ташкил этилган музей дастлаб 262 та экспонат билан иш бошлаган. Айни пайтда бу ерда экспонатлар сони 18164 тага етказилди.

Экспонатларни кўздан кечира экан-миз, узоқ ўтмишимиздан гувоҳлик берувчи қадимги маданий ёдгорликлар диққатимизни тортади. Археология бўлимида сақланаётган сопол идишлар, аёллар тақинчоқлари, тошдан ясалган буюмлар аждодларимизнинг турмуш тарзи, меҳнат аъёналаридан огоҳ этади. Ўрда, Пардақўлтёра ва Қилиятёпадан топилган бу осори-атиқалар Жиззахнинг 2000 йиллик тарихига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Кўплаб тарихий ёдгорликлар билан бир қаторда жойлашган «Аждодларимиз мероси» ҳамда «Бугунги Жиззах тараққиёти» номи кўргазмалар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда, хусусан, Жиззахда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, юртдошларимиз эришаётган муваффақиятлар туғрисидаги лавҳалар, фотосуратлар кенг ўрин олган.

Вилоятнинг Зомин, Бахмал, Фаллаорол, Фориш туманларида ҳам музейлар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Зомин ва Фаллаорол туманларида ташкил этилган ўлкашунослик музейлари тобора янги-янги экспонатлар билан бойитиб борилапти. Бу ишда музей раҳбарлари Саттор Қорабоев, Меҳри Холиқназаровларнинг хизмати катта бўлаётир.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман

нингдек, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда, хусусан, Жиззахда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, юртдошларимиз эришаётган муваффақиятлар туғрисидаги лавҳалар, фотосуратлар кенг ўрин олган.

Вилоятнинг Зомин, Бахмал, Фаллаорол, Фориш туманларида ҳам

музейлар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Зомин ва Фаллаорол туманларида ташкил этилган ўлкашунослик музейлари тобора янги-янги экспонатлар билан бойитиб борилапти. Бу ишда музей раҳбарлари Саттор Қорабоев, Меҳри Холиқназаровларнинг хизмати катта бўлаётир.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анжуман қатнашчилари вилоят музейлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар олишди. Янги асрда Ўзбекистон музейлари қандай бўлиши кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Санъат

РАҚС КЕЧАСИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг юбилей концерти бўлиб ўтди.

Мазкур муассаса 1997 йилда Президент Ислам Каримовнинг Фармонига биноан хореография билим юрти негизига ташкил этилган бўлиб, у олий ўқув юрти мақомига эга. Эндиликда бу ерда нафақат бўлажак балет артистлари, балки турли йўналишлар бўйича малакали педагоглар ва балетмейстерлар ҳам таълим олади.

Ушбу рақс мактаби жамоаси мамлакатимизда бўлиб ўтаётган барча катта концертлар, байрамларда иштирок этади. Бу ерда хореографиянинг турли йўналишлари бўйича нанки маҳаллий мутахассислар, балки чет эллик хореография усталари учун ҳам семинарлар ўтказилади.

Айни пайтда мактабда халқ артистлари Розия Каримова, Қундуз Миркаримова, Раиса Хўжасайимова сингари рақс санъатининг таниқли усталари таълим бермоқда. Яна шуниси эътиборга лойиқки, олий мактаб битирувчилари дунёнинг 15 дан ортик мамлакатини, чунончи, Россия, Германия, Австрия, Миср, Исроил, Словакия, Чехияда ўзбек балети мактаби аъёналарини намойиш этиб келаётир. Кейинги йилларда мактабда хореография соҳасида дунёнинг турли мамлакатлари рақс мактабларини ҳамкорликка жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

БОЛАЖОНЛАРГА АТАЛГАН

Садриддин Айний номидаги Б